

Ховос туманида жоме масжидининг янги биноси фойдаланишга топширилди



05:24 / 28.08.2018 5762


Бугунги кунда юртимизда мусулмонлар талабидан келиб чиққан ҳолда масжидлар барпо этилмоқда ва эски бинолар ўрнига янги замонавийлари қурилмоқда.

Шу кунларда замонавий усулда қад ростлаган Сирдарё вилояти Ховос туманида “Ховос” жоме масжидининг очилиш маросими бўлиб ўтди. “Ховос” жоме масжидининг эски биноси 1956 йилда қурилган бўлиб, бугунги кунда яроқсиз ҳолатга келиб қолган эди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ишлар самараси ўлароқ Қурбон ҳайити байрами арафасида Ховос тумани «Бунёдкор» маҳалласида замонавий талабларга жавоб берадиган, барча

қулайликларга эга бўлган 1000 нафардан зиёд намозхонларга мўлжалланган «Ховос» жоме масжидининг янги биноси қуриб битказилди.


Image not found or type unknown



Янгидан бунёд этилган масжиднинг очилиш маросимида Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят Адлия бошқармаси, Ховос тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг вилоят вакиллиги раҳбарлари

иштирок этиб, туман аҳолисини масжид очилиши билан табриклар ва янги масжиднинг гувоҳномаси масжид имом-хатибига тантанали равишда топширилди.

Image not found or type unknown



Масжидни бунёд этилишида ўз ҳиссасини қўшганлар ва хусусан бундай

хайрли ишларнинг бошида турган юртбошимиз Ш.Мирзиёев ва мутасаддилар ҳақига дуолар қилинди. Бу ўз навбатида вилоят аҳолисига байрамона тухфа бўлди.

ЎМИ Матбуот хизмати